



## ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИГА ТАХДИД СИФАТИДА ФАВҚУЛОТДА ХОЛАТЛАР ТУШУНЧАСИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

*Рахматов Мохиржон Қосимович*

Жамоат хавфсизлиги университети Магистратураси тингловчиси подполковник

**Аннотация:** Ушбу мақолада Жамоат хавфсизлигига таҳдид ва унда фавқулотда холатларни келиб чиқиши ни олдини олишини ўзига хос хусусиятлари тушунчаси, хавфсиз худуд, Жамоат хавфсизлиги хозирги кундаги дунёдаги глобал муаммолардан бири деган фикр юритилиб, бизнинг юртимиизда шу Жамоат хавфсизлигини таъминлашни янги усулларини ривожланган давлатлар тажрибаси асосида ишлаб чиқши ва ундан кенг кўламда амалётда фойдаланиш хақида айтиб ўтилган.

**Калим сўзлар:** Жамоат хавфсизлиги, фавқулотда холатлар, Президентимизнинг сўзлари, Жамоат хавфсизлик концепсияси, хорижий давлатлар тажрибаси.

Бугунги глобаллашув ва жадаллашув шароитида жамоат хавфсизлигини таъминлаш, фавқулотда холатларни олдини олиш, энг аввало мамлакатда, унинг маъмурий худудларида, қолаверса, дунёда, ён атрофимиздаги давлатларда содир бўлаётган воқеа, ҳодиса ва жараёнлар билан боғлиқ ҳолда жамоат хавфсизлиги ҳолатига таъсир этувчи қонуниятлар ва омилларни доимий равишда мониторинг ҳамда таҳлил қилиб бориш, шунингдек, унинг натижаларидан унумли фойдаланиш энг долзарб масалалардан ҳисобланади.

Бутун дунёни кўплаб давлатларидағи бугунги кундаги кескин вазият - иқтисодий инқизорзининг чукурланиши, жамиятда одоб-ахлоқ қадриятларнинг пасайиб кетиши, аҳолининг турли ижтимоий гурух ва катламларнинг манфаатлари ўртасида зиддиятларнинг кескин кучайиши билан характерланади.

Ушбу шароитларда ижтимоий можаролар ҳавфининг янги манбаларини келиб чиқиши ва жамоат хавфсизлигини таъминланиш холатларига бўлган заруратни вужудга келиши натижасида ривожланиши оғирроқ оқибатларига олиб келишни бошлади. Кўпинча, улар кутилмаганда рўй бермоқда. Жуда катта қурбонлар, кулфатларга сабаб бўлмоқда. Энг фожиалиси - инсонлар қурбон бўлмоқда. Бекарор, адоваратли вазият вужудга келмоқда. Ижтимоий ривожланиш ва тараққиёт жараёнлари секинлашмоқда. Аҳолида эртанги кунга ишончизлиқ, ўз ҳаётидан, қариндош-урұғлари ва яқин кишиларининг ҳаётидан хавотир ҳисси уйғонмоқда. Ва энг муҳими, воқеаларнинг олдиндан билиб бўлмайдиган тарзда бундай ривожланиши мамлакат танлаб олган сиёсий ва иқтисодий йўлни амалга ошириш мумкинми, йўқми деган масалани кўндаланг қилиб қўймоқда. Ушбу манбаларни вужудга келишининг бир қатор сабаблари оқибатида, асосан иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий вазиятда, ҳам давлат, ҳам унинг регионларини қамраб олаётган туб ўзгаришлар сабабли аҳолининг яшаш шароитлари тубдан ёмонлашиб, паст кўрсатгич даражаси томонга қараб бормоқда.

Умуман олганда ижтимоий можароларни ижтимоий тизими ва иқтисодий имкониятлар комплекси фавқулотда вазиятларда жамоат хавфсизлигини ҳамда дунёдаги айrim давлатларнинг ўз худудидаги аҳолиси аксариятининг минимал эҳтиёжларини



таъминламаётганлиги билан характерлаш мумкин. Уларда жиноятчиликнинг кескин ўсиши, митинг кўринишдаги фаоллиги, ҳуқукий тартибсизликлари ва бошқа жамиятга қарши кўринишларига сабаб бўлмоқда. Бу ерда экстремистик кўринишларда ўзини кўрсататёган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, миллий, ҳудудий, диний ва бошқа зиддиятлар хар хил кўринишдаги низоларни жадаллаштиришни келтириб чиқармоқда. Уларнинг энг жиддий шакли сифатида ҳозирги миллатлараро ва ҳарбий можароларни, митингларни, оммавий тартибсизликларни айтиш мумкин. Улар вақти келганда ўзининг регионлар ҳудудидан четга ҳам чиқмоқда.

Ушбу можароларни бартараф этиш ва фавқулотда вазиятларда жамоат ҳавфсизлигини таъминлашга ҳар бир давлат ўзининг фавқулотда вазиятларда жамоат тартибини сақлашга мўнжалланган куч воситаларини жалб қиласди. Замонавий даврда хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, бутун дунёдаги маҳаллий, минтақавий ва федерал ташкилотлар фавқулотда вазиятларда жамоат ҳавфсизлигини таъминлашни ташвиш ва аҳамиятга эга бўлган асосий йўналишлардан бири сифатида аниқладилар. Улар жой ахолиси ҳамда жамиятнинг ҳавфсиз ҳаёт кечиришини таъминлаш учун янги бўлим ва идораларни ташкил эмоқдалар. Бу шуни англатадики, фавқулотда вазиятларда жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш бугунги кунда кўп қиррали ва улкан аҳамиятга эга бўлган мавзулардан бири бўлиб келмоқда.

Бизнинг юртимизда бундай вазиятни олдини олиш ва бартараф этиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги 27-сонли фармони билан тасдиқланган “**Жамоат ҳавфсизлиги Концепсияси**” қабул қилинди ва шу концепсияга асосан бир қанча қонун хужжатларига ўзгартиришлар киритилди ва шу билан бирга яна Жамоат ҳавфсизлигини таъминлашга оид бир қанча ҳуқукий, меъёрий хужжатлар ишлаб чиқилиб уларни амалётга тадбиқи жадаллик билан амалга оширилмоқда. Ушбу Концепсиянинг 2-бандида, Жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш соҳасини давлат томонидан тартибга солинишида иштирок этувчи субъектлар аниқ белгилаб берилган, улар: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат ҳавфсизлик хизмати, Бош прокуратура, Маҳалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан иборат.<sup>1</sup> [1]

Юртимизда ҳам фавқулотда вазиятларда жамоат тартибини бузилиш холати, аҳолининг оммавий фаоллигининг кўринишлари (митинглар, намойишлар, йиғилишлар) 2022 йил июл ойида Қорақалпоғистон Республикасида содир этилганлиги, ўзини ёрқин кўрсатган давлатимизнинг бош қомуси конституциямизга киритилаётган ўзгартиришлардан норози қиёфадаги намойиш кўрсатгичлари билан характерланади. Ушбу тадбирларда юзлаб одамлар иштирок этди. Бундай рухсат этилмаган аҳолининг норози қиёфадаги конституциямизга киритилаётган ўзгартиришларга қарши оммавий чиқишлари, шу оммавий тартибузарлик содир этилган жойда, 2021 йил 15 декабрда қабул қилинган “**Фавқулотда ҳолат тўғрисидаги**” Ўзбекистон Республикасининг 737-сонли конституциявий қонунига асосан комендантлик соатини ташкил этилишини талаб қилди ва комендантлик соати ташкиллаштирилди, комендантлик соатига белгилаган талабга кўра шу жойда яшовчи аҳолининг сутканинг маҳсус берилган рухсатномаларсиз ва шахсни тасдиқловчи хужжатларсиз кўчаларда ҳамда бошқа жамоат жойларида ёхуд турар

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги 27-сонли фармони билан тасдиқланган “**Жамоат ҳавфсизлиги Концепсияси**”.



жойдан ташқаридан бўлишларига таъкиқ белгиланди. Бу олиб борилган тезкор сайҳаракатлар натижасида тинч аҳолининг осойишта ҳәётини яна ўз изига тушишига эришилди.

Дунё миқёсида рухсат этилмаган аҳолининг оммавий чиқишилари келтирилган статистик маълумотларга кўра, сифат ўсиши ва ўта криминогенлиги билан характерланади. Бу эса уларга жамоат хавфсизлигига таҳдид қилувчи мустақил омил сифатида карашга асос беради.

Аҳолининг ушбу оммавий фаоллиги кўринишдаги шакли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг алоҳида эътиборини тортади, чунки рухсат берилмаган митинг чиқишилари, оммавий тартибсизликларга айланиб кетганлиги юзлаб жабр кўрган фуқаролар учун тасаффур қила олмайдиган ходисага айланиши мумкин.

Мазмун-моҳияти бўйича юқорида айтиб ўтганимиздек, 2022 йил июл ойидаги Қорақалпоғистон Республикаси мисолида юзлаб аҳолининг оммавий сиёсий йўналишдаги митинглар, йиғилишлар, намойишчилардан ташкил топганлиги билан изоҳланади.

Жамоат хавфсизлигини гуруҳ таркибида бузишга харакат қилишдан келиб чиқкан оммавий тартибсизлик қўйидаги маълумотларга эга.

Уларнинг умуний сони юзлаб одамни ташкил қилган. Уларнинг хаммаси конституциямизга киритилаётган ўзгаришларни ниқоб қилган холда, давлат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларга қарши, норози қиёфада, жанговар харакатга мойил характердаги йўналишда бўлган.

Намойишкорона норози қиёфада чиқишиларнинг турли кўринишлари, ҳалқни эътиборини жалб қилиш ва шу ҳалқни намойишга чиқишига мажбурлаш билан ўз аксини топган, бунда ўша ердаги махалла фуқаролар йиғинларининг ўз худудидаги вазиятни яхши билмаслиги, ҳалқ фикри билан қизиқмаганлиги, шу билан бирга ёт ғоя таъсирида жанбушга келган айрим шахсларнинг давлат тузимиға қарши оғзаки ташвиқотлар ҳам оммавий норозиликлари сезиларли чайқалишига сабаб бўлган. Жумладан, давлатимиз бош қомуси бўлган конституциямизнинг 70-моддасидан, 75-моддасигача киритилмоқчи бўлинган ўзгаришлар ниқоб қилиб олиниб, ўзида жамоат хавфсизлигига таҳдидни жараёнини сақлаган. Вахоланки Ўзбекистон Республикасида Конституциясининг “Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгаришини мақсад қилиб қўювчи, Республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, ҳалқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади.

Шунинг учун ҳам Тараққиёт стратегиясида: “16-мақсадида: “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқукбузарликларнинг содир этилишига сабаб бўлган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишнинг самарали тизимини яратиш”; 17-мақсадида эса: Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг янги қиёфасини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини ҳалқ манфаатлари, инсон қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишига йўналтириш”<sup>2</sup> белгиланган.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелдаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида профессионал кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5077-сонли қарори. // URL: <http://www.lex.uz>.



Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг яхлит тизимини шакллантириш, айниқса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг энг қўйи бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш мақсадида улар фаолиятини ташкил этишининг мутлақо янги механизмларини, айниқса таянч пунктлари негизида маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларини босқичма-босқич ташкил этилиши жамоат хавфсизлигини назарий-ҳуқуқий таъминлашга янгича ёндашувни талаб этади.

Жамоат хавфсизлигини таъминлашни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиши орқали мамлакатимизнинг тинчлиги ва осойишталигига бўлган ҳар қандай таҳдидларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш тизимини илгор ҳалқаро стандартлар асосида такомиллаштириш, шунингдек, замон талабларидан келиб чиқиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва Қуролли Кучларнинг кадрлар салоҳиятини ошириш мақсадида, Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети этиб қайта ташкил этилди.

Университетнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб қўйидагилар белгиланди:

жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича фаолиятни самарали ташкил этишга қодир бўлган малакали мутахассисларни тегишли ихтисослик ва ҳукуқшунослик йўналишлари бўйича чуқурлаштирилган ҳолда ўқитиш ҳамда уларни жанговар ва жисмоний тайёргарликдан ўтказиш орқали мақсадли тайёрлаш;

Қуролли Кучлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун кадрларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг самарали тизимини жорий этиш, уларда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ҳамда ватанпарварлик ва юксак одоб-ахлоқ сифатларини камол топтириш орқали чуқурлаштирилган ҳолда тайёрлаш;

ҳарбий ватанпарварлик, маънавий-маърифий тарбия ва ёшлар билан ижтимоий ишларни йўналишида ўқув-тарбия муассасалари тарбиячиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

ўқув жараёнини ўқитишнинг замонавий шакл ва услублари, педагогик ва ахборот технологияларини қўллаган ҳолда назария ва амалиёт узвийлигини таъминлаш орқали ташкил этиш;

олий малакали илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг энг долзарб муаммолари бўйича комплекс илмий тадқиқотларни, шу жумладан маҳаллий ва ҳалқаро грантларни жалб этган ҳолда, ўтказиш;

ўқув жараёнига хорижий мамлакатларнинг нуфузли таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларининг малакали мутахассисларини жалб этиш, шунингдек, қўшма илмий тадқиқотларни ўтказиш ва педагогик тажриба алмасиши соҳасида доимий ҳалқаро ҳамкорликни амалга ошириш.

Мазкур вазифаларни самарали амалга ошириш учун 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб, Университетда профессионал кадрларни тайёрлаш жараёнига бакалавриат ва магистратуруни ўз ичига олувчи икки босқичли олий таълим тизими жорий этилди. Жамоат хавфсизлигини назарий-ҳуқуқий таъминлаш фани магистратурада ўқитилиши



белгиланди. Бундай юкори даражадаги сай харакатларни давлатимиз томонидан амалга оширилиши келажакда юртимизда жамоат хавфсизлигини таъминлашда ўзининг юқори савиядаги натижаларини кўрсатади.

Жамоат хавфсизлигига таҳдидлар Корақалпоғистон Республикасининг бир қатор худудларида миллатлараро можароларни ҳам касб этди. Миллий тотувликка ва давлат тузимиға қарши аҳолининг оммавий норозилигини ташкил қилди. Ҳозирги кунда дунё миқиёсида миллатлараро омилига Жамоат хавфсизлиги соҳасида энг криминоген омил сифатида қараш мумкин. Шунинг учун қўйидаги этно-мафкуравий можароларни турларга ажратиш лозим:

- азалдан талаш бўлиб келаётган ҳудудлар бўйича можаролар;
- этник ҳудуднинг маъмурий мақоми бўйича можаролар;
- бир қатор регионларда этно-демографик вазиятдан келиб чиқкан можаролар;
- ҳалқларни депортациясининг тарихий садоси сифатида вужудга келган этно-худудий ҳарактерга эга можаролар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Бугунги кунда дунёнинг айрим минтақаларида тобора кескинлашиб бораётган қонли можаро ва зиддиятлар, терроризм ва экстремизм хавфи биздан доимий огоҳ ва хушёр бўлишни талаб этмоқда”. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлар доирасида аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш ҳамда жамиятимизда қонунга итоаткорлик ва жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Барчангизга аён, ҳозирги кунда дунё миқёсида бешафқат рақобат, қарама-қаршилик ва зиддиятлар тобора кескин тус олмоқда. Диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, «коммавий маданият» каби хавф-хатарлар кучайиб, одамзот асрлар давомида амал қилиб келган эътиқодлар, оиласвий қадриятларга путур етказмоқда. Мана шундай ва бошқа кўплаб таҳдидлар инсоният ҳаётида жиддий муаммоларни келтириб чиқараётгани – айни ҳақиқат ва буни ҳеч ким инкор этолмайди. Шундай ҳозирги кундаги кескин вазиятда бизнинг Республикасизда Жамоат хавфсизлигини фавқулотда холатларда таъминлаш йўналишидаги ишларни «Халқ манфаатларига хизмат қилиш» тамойили асосида ташкил этишнинг мутлақо янги механизм ва тартиблари жорий этилиши, давлат органларининг жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро мақсадли ҳамкорлигини йўлга қўйилиши айни муддао десак муболаға бўлмайди.

**Хуноса** ўрнида шуни айтиш лозимки, юқорида айтиб ўтилган ҳозирги кундаги дунёдаги глобал ўзгаришлар, қарама-қаршилик ва зиддиятлар тобора кескин тус олиб бораётган, бошқа кўплаб таҳдидлар инсоният ҳаётида жиддий муаммоларни келтириб чиқараётган ва буларнинг оқибати Жамоат хавфсизлигига фавқулотда холатларда таҳдидни юзага келтираётган бир пайтда, халқ фаровонлиги йўлида жамоат хавфсизлигини таъминлаш, хуқуқбузарликларнинг содир этилишига сабаб бўлган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишнинг самарали тизимини яратиш, хуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг янги қиёфасини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини халқ манфаатлари, инсон қадр-қиммати, хуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга йўналтириш лозим деган фикрдаман.



**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида профессионал кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5077-сонли қарори. // URL: <http://www.lex.uz>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги 27-сонли фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепсияси.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 15 декабрда қабул қилинган 737-сонли конституциявий қонуни “Фавқулотда холат тўғриси”да.
4. Ўзбекистон Республикасининг конституцияси.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ”Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2017 йил 18 апрелдаги, 2896-сонли қарори.